

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

425 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2010 йил 30 мартдаги ПФ–4210-сонли Фармонига қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» 2012 йил 26 апрелдаги ЎРҚ–327-сонли Қонунига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2010 йил 30 мартдаги ПФ–4210-сонли Фармонининг 1-банди куйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин.

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 28 мартдаги ПФ–3588-сонли Фармони билан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ оилавий корхоналар халқ бадий ҳунармандчилиги ва қўлда ишланган амалий санъат буюмларини сотишдан олинадиган даромаддан 2014 йилнинг 1 январигача бўлган даврда ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилсин».

2. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 6 сентябрь,
ПФ–4469-сон